

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 41 (1640), 2026 йил 28 февраль, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



РУҲИ БАҚУВВАТ, ҒАЙРАТИ БАЛАНД, ОРИЯТИ МУСТАҲКАМ ИНСОНЛАР ЮРТИ — СУРХОНДАРЁ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 26-27 февраль кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди. Давлатимиз раҳбари ташрифнинг иккинчи куни вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.



Баҳор Сурхондарёдан бошланади. Бу фасл фақат уйғониш палласи эмас, балки умид ила ерга уруғ қадаладиган, бошланган йил учун улкан режалар тузиладиган давр ҳамдир. Мамлакатимиз етакчисининг Сурхон воҳасига ташрифи чоғида юртдошларимиз баҳор нафасини юрак-юракдан ҳис этди.

Бугун сурхондарёликлар 3 миллион нуфусга эга катта эл. Шунча аҳолининг ҳаётини бирдек фаровон қилиш, ҳаётдан

рози бўлиб яшашига эришиш осон эмас. Бунинг учун нафақат машаққатли меҳнат, балки узоқни кўзлаб пухта режа тузишга қодир юксак интеллект ҳам талаб этилади. Энг муҳими, ислохотлар оддий одамлар тафаккурдаги эврилишлардан бошланиши зарур. Зеро, инсон, жамият ўзгарса, ислохотлар ортга қайтмас тус олади. Янги Ўзбекистон шабадаси кеза бошлаган илк пайтлардаёқ воҳада ижтимоий-иқтисодий масалалар билан бирга шахс тарбиясига

ҳам жиддий эътибор қаратилди. Пировардида охириги ўн йилда воҳаликлар ҳаёти тубдан ўзгарди. Масалан, ўтган даврда худудда 5 миллиард долларлик 8000 дан ортиқ лойиҳа ишга туширилди. Ҳар бир лойиҳа ҳисобига юзлаб, ҳатто минглаб хонадонлар доимий ва юқори даромад манбаига эга бўлди. Оилалар фаровонлиги туфайли қалбларга хотиржамлик кирди.

Бир пайтлар вилоят энг олис ва ёпиқ худуд сифатида кўрилди. Шу боис, ишлаб

чиқаришни кўпайтириш, сармоядорларни жалб этиш удалаб бўлмас ишдек туюларди. Бугун марра янада баланд олинмоқда. Хитой, АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Австрия, Венгрия каби давлатлар билан инвестиция ва савдо бўйича 10 миллиард долларлик келишувларга эришилди. Бундай йирик сармоя яна неча юз минглаб оилалар фаровонлигига ҳисса қўшади.

Кўплаб масалаларга иқтисодий барқарорлик ечим бўлади. Шу маънода, кейинги

йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида жуда катта ўзгариш кузатилди. Бу ўз ўрнида, ижтимоий соҳалар ривожига ҳам асос бўлмоқда. Хусусан, кейинги йилларда аёллар, ёшлар, умуман, аҳоли учун кўплаб янги иш ўринлари очилди. Ўз навбатида, бу мактабгача таълим ташкилотларига талабни оширди. Болаларни боғчага бериш маданияти шаклланди. Бунга ечим сифатида сўнгги тўққиз йилда боғчага қамров 28 фойздан 68 фойзга етказилди. Бундан

ташқари, 23 та янги мактаб қурилгани, 448 таси таъмирлангани, қўшимча 102 минг ўқувчи ўрни очилгани ҳам бугунги, ҳам келгуси фаровонлик кафолати бўлди. “Тўпаланг” сув омбори захирасидан унумли фойдаланиш ҳисобидан Термиз шаҳри ва яна 10 тумандаги 563 минг кишининг ичимлик сув таъминоти яхшилангани, шубҳасиз, воҳа аҳли учун тарихий воқеага айланди.

Давоми 2-бетда

КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ — БАРҚАРОР ЎСИШНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ



Мулоҳаза

ЎЗБЕКИСТОН
2030

Жамиятдаги фикрлаш услуби ўзгаргани сари иқтисодий муносабатлар, ижтимоий институтлар ва тараққиёт моделлари ҳам янгиланиб боради. Бугун инсоният ана шундай мураккаб ва масъулиятли босқич остонасида турибди. Жаҳон иқтисодиёти глобал молиявий беқарорлик, ресурслар тақчиллиги, рақамли инқилоб ва геосиёсий зиддиятлар каби ўзаро боғлиқ синовларни бошдан кечирмоқда. Бу ҳолат анъанавий — хомашё ва моддий ресурсларга таянган иқтисодий моделларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Айнан шундай шароитда креатив иқтисодиёт тушунчаси оддий иқтисодий йўналиш эмас, балки тараққиётнинг мутлақо янги парадигмаси сифатида намоён бўлмоқда. Унинг марказида инсоннинг интеллектуал салоҳияти, ижодий тафаккури ва инновацион гоълари туради. Креатив иқтисодиёт — билим, истеъдод ва маданий меросни иқтисодий

қийматга айлантириш жараёни. Ахборот технологиялари, рақамли индустриялар, дизайн, медиа, архитектура, стартап экотизимлари каби соҳалар унинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Бу моделеда энг қимматли капитал — инсон капитали, энг муҳим ресурс эса илмдир.

Давоми 3-бетда



Дил изҳори

СУВ КЕЛСА ҒАР — НУР КЕЛГАЙ

Ёшим тўқсонга яқинлашди. Бу орада нималарни кўрмадик. Эҳ-ҳе!..

...Оилада ўн ўғил эдик. Уч акам Иккинчи жаҳон урушига олиб кетилди. Шу бўйи дарағи чиқмади. Улардан кейин қолган биз — етти оғанини энам раҳматли ёлғиз боши билан катта қилди. Ўша даврнинг оналариям запматонатли бўлган экан-да... Замоннинг зайли, шароитнинг шўриши туфайли ўн ёшимда 1-синфга борганман. Кўп вақтимиз мактабдан кўра пахта дала-сида ўтган бўлса ҳам астойдил ўқишга

интилардик. Йиллар ўтиб, ўқитувчи бўлдим. Бойсуннинг ўзим туғилган Пулҳоким қишлоғидаги мактабда 31 йил директорлик қилдим. Бу мактабдан ўнлаб фан докторлари, олимлар етишиб чиқди. Таълим сифатини республика даражасига олиб чиқишга уриндик, баъзан буни удаладик ҳам. Аммо ўқитувчиларнинг қосаси яқин ўн йилгача оқармади.

Давоми 2-бетда

ЎҚИТУВЧИНИ ЭЪЗОЗЛАЁТГАН СУЯНЧИМИЗ БОР

Бугун қалбимизда баҳор нафаси. Одатда кишининг қировли кунларидан сўнг табиат уйғониши ҳодисасини янгиланиш, яшариш деб қувонамиз, соғинч ҳиссимизни ўзаро бўлишамиз. Шундай файзли-тароватли, улғу айём кунларида Президентимизнинг Сурхондарёга ташрифи барчамизга янада қувонч, ғурур улашди.

Икки кундирки, давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи тафсилотларини кузатар эканмиз, юртдошларимиз турмуш шароитини

янада яхшилаш борасидаги янги та-шаббуслардан руҳланиб юрибмиз.

Давоми 2-бетда

1 март — Зулфия таваддуғ топган кун



МЕНИ ОҒУШЛАГАН
ҲАЁТ НАҚ ОҒТОБ
ЎНГИ ҚЎШИҚ ТАЛАБ
УНГА ҲАР САБОҲ

6



РУҲИ БАҚУВВАТ, ҒАЙРАТИ БАЛАНД, ОРИЯТИ МУСТАҲКАМ ИНСОНЛАР ЮРТИ – СУРХОНДАРЁ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Бу даврда 688 та кўп қаватли уй қурилгани 32 минг оиланинг Ватан ичра кичик ватанли бўлишига замин яратди. Айниқса, Ангор, Бойсун, Жарқўрган, Сарюсиё ва Термиз туманларида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивлари аҳолини замонавий уй-жой билан таъминлаш баробарида урбанизация даражаси яхшиланишига хизмат қилляпти.

— Сурхондарё нафақат табиати гўзал замин, балки руҳи бақувват, ғайрати баланд, орияти мустаҳкам инсонлар юртидир. Сурхонни ривожлантириш янги Ўзбекистоннинг жанубий таянч устунини мустаҳкамлаш демакдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Жанубий таянч мустаҳкамлаш эса эришилган ютуқларни таҳлил этиб, келажак режаларига муносиб сайёҳаракатни талаб этади. Йиғилишда вилоят ҳамда туман ҳокимлари олдида жорий йил инвестициялар ҳажмини 2,8, ишсизликни 4,5 фоизгача тушириш, Термиз шаҳри, Ангор, Денов, Жарқўрган, Қизириқ ва Музработ туманларини камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш муҳим экани таъкидланди.

Сурхондарё иқтисодиётида саноатнинг улуши сўнгги 9 йилда 5 қарра ўсиб, 10 фоизга етди. Лекин воҳа имконияти бундан ҳам баланд марраларни кўзлашга имкон беради. Шу маънода, саноат ҳажмини оширишда вилоятдаги конларни ўзлаштириш суръатини жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Жорий йилда Бойсундаги “Санжар”, Олтинсойдаги “Оқсув”, келаси йили “Фангарт” конларида кўмир қазиб олишни бошлаш топшириғи берилди. Жанубий Африканинг “Sosol” компанияси кўмирдан полипропилен, полиэтилен ва каучук ишлаб чиқаришга қизиқиш билдирган. Сарюсиёдаги “Қоракон”, “Жемсонит”, “Чуқур”, “Байрам-1” конлари ҳам хитойлик инвесторлар 1 миллиард доллар инвестиция киритишга тайёр. Бойсундаги “Безактоп” конида табиий тош захиралари ўрганилмай турибди. Ушбу конларда зарур ишларни бошлаш вазифаси қўйилди.

Янги Ўзбекистонда масалалар ҳал этилиши билан бирга иқтисодий имкониятга ҳам айлантириляпти. Хусусан, йиғилишда Термиз халқаро савдо маркази натижалари алоҳида қайд этилди. Ўтган йили марказга 800 мингдан ортиқ Афғонистон фуқароси келган. Натижада 320 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Қувонарлик, марказ янада кенгайтириляпти. Унинг ҳудуди минг гектарга етказилди. Бу борада ҳам аниқ режалар ишлаб белгилаб берилди. Янги лойиҳалар натижасида тадбиркорлар ва харидорлар қаррасига ошади, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадига марказда махсус прокуратура ва ички ишлар бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, энди марказ ҳудудидаги товар савдоси ва хизматлар экспорт сифатида баҳолашни, уларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи “ноль” ставкада қўлланиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги имкониятларига тўхталар экан, вилоятдаги 35 минг гектар томорқада 3-4 марта ҳосил олинаётгани, бундай кўрсаткич бошқа бирорта вилоятда йўқлигини таъкидлади.

Термиз туманидаги “Томорқа мактаби”нинг ижобий тажрибасини бутун Сурхондарёда йўлга қўйиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан Ангор, Узун, Денов туманларида ҳам худди шундай мактабларни ташкил этиш, ҳар бир вилоятда 2 тадан “Инновацион томорқа мактаби”ни ишга тушириш зарурлиги таъкидланди.

Сурхондарё шароитида иссиқхонада маҳсулот етиштириш бошқа жойлардагига нисбатан 2-3 баробар арзон тушиши қайд этилди. Бу йил Испаниянинг Альмерия худуди тажрибаси асосида минг гектарда қувида иситиладиган иссиқхоналар ташкил этилиши, бундай иссиқхона қурадиган тадбиркорларга ер 5 йилга бепул ижарага берилиши, ер ости суви учун тўловдан 3 йилга озод этилиши маълум қилинди.

Вилоятда фойдаланилмай турган яна бир катта имконият йилловлардир. Жумладан, Бойсунда 197 минг гектар яйлов бор. Агар Дарбанд дарёсидоги насослар тикланиб, сув чиқарилиши, 10 минг гектар яйловни фойдаланишига киритиш имкони мавжудлиги айтилди.

Захирадаги яйловларни ўзлаштириш учун бошланғич нарх норматив қийматининг 1 фоизи миқдорда этиб белгиланиб, аукционга чиқарилиши таъкидланди. Аукциондан ер олган тадбиркорларга 10 йилга 4 йиллик имтиёзли давр билан 14 фоизли кредит ажратилади. Ҳар ўн гектар ерга сув олиб келиш учун 120 миллион сўмгача субсидия берилди.

Вилоятда паррандачилик, чорвачилик, асаларчилик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳам белгилаб олинди.

Йўл ва транспорт инфратузилмаси вилоятдаги энг оғирли масалалардан. Ҳозир Бойсун ва Денов туманларини боғловчи

йўлнинг 111 километри цемент-бетон қопламга ўтказилмоқда. Бу йўл ишга туширилса, юк ташвиш ҳажми 2 қарра ошиши, ташув вақти 3 соатдан 1,5 соатга қисқариши қайд этилди.

Жорий йилда юртимизни Афғонистон ва Тожикистон билан боғлайдиган 178 километрли магистрални капитал таъмирлаш, “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган” участкасини тезорар поездга мослаш, “Қумқўрган — Қудуқли” темир йўлини электрлаштириш ишлари бошланади. Термиз — Истанбул, Термиз — Дубай йўналишларида янги авиарейслар йўлга қўйилади.

Янги автобуслар олиб келиниб, Шўрчи, Денов, Сарюсиё, Шеробод ва Бойсун туманларидан Термиз шаҳрига элтувчи йўлларида қатновга қўйилади.

Йил охиригача Музработ туманидаги 56 минг кишига илк бор марказлашган ичимлик сув етказиб бериш лойиҳаси якунланди. Музработ, Олтинсой, Ангор, Қизириқ ва Бойсун туманлари марказига канализация ўтказиш ишлари бошланади.

“Мустақилликнинг 25 йиллиги” йирик газни қайта ишлаш мажмуасидаги технологик мураккаб масалага ҳамкорлар билан илмий ечим топилиши қайд этилди.

— Биз аварияни ҳам тўхтатамиз, Сурхондарё иқтисодиётига катта туртки берадиган лойиҳани ҳам бошлаймиз, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари туризм салоҳиятига тўхталиб, вилоятда Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота, Қирқ қиз каби 150 дан зиёд маданий мерос объекти борлиги, Ҳисор, Бойсунтоғ, Қўхитанг, Боботоғда альпинизм, треккинг, экотуризм учун катта имкониятлар мавжудлигини

қайд этди. Буларни тўлиқ ишга солиб, йилга 1 миллиард долларлик тушум қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Эски Термиз ёдгорлиги тўлиқ ўрганилмаган. Буддизм маданиятига оид Фаётепа, Қоратепа, Далварзин, Зурмала каби ёдгорликларнинг туризм салоҳиятидан фойдаланиб, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Таиланддан йилга 500 минг сайёҳни жалб қилиш имконияти мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Сурхондарёда 8000 дан ортиқ ёш кураш билан мунтазам шуғулланмоқда. Давлатимиз раҳбари мутасаддилар олдида жорий йилда Деновдаги “Замондош” оромгоҳи негизда курашчилар учун замонавий ўқув-машғулот базасини қуриб бериш вазифасини қўйди. Бойсундаги мактаб-интернатда янги ўқув йилидан спорт билан бирга мактаб дарсларини ҳам йўлга қўйиш кераклиги қайд этилди.

Президентимиз вилоят фаоллари, ёшлар ва нурунийлар билан мулоқот қилди. Ҳокимлар ва мутасаддиларнинг ҳисоботи тинланди. Давлатимиз раҳбари белгиланган вазифалар ижросини қатъий назоратта олиш, ҳар бир йўналишда аниқ натижага эришиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Шундан сўнг Президентимиз Термиз туманидаги “Surkhon Sandwich” корхонасининг базальт маҳсулотлар ишлаб чиқариш линияси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Бундай сайёҳаракатлар илмий ёндашув, замон талаби асосида амалга ошириляпти. Шу боис, ҳар бир йирик лойиҳа ва инфратузилма объектида энергия тежамкорлигига устувор эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз ўрнида,

базальт хомашёси ва ундан тайёрланган энергия самарадор плита ҳамда қурилиш материалларига талабни оширмоқда. Лойиҳа қиймати 26 миллион долларга тенг корхона йилига 30 минг тонна базальт хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга. Бу 345 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Маҳсулотлар Тожикистон ва Афғонистонда харидорини топмоқда. Бу ҳам воҳанинг иқтисодий қуввати ошиб бораётганидан далолат. Зеро, маҳсулотта керакли хомашёнинг 95 фоизи вилоятнинг Олтинсой туманидаги конлардан олинапти. Корхонага Хитойнинг замонавий технологик ускуналари ўрнатилган. Бу ерда 200 кишининг доимий бандлиги таъминланган.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёни билан танишар экан, маҳсулотлар сифатини янада ошириш, маҳаллийлаштириш даражасини кенгайтириш ва экспортбоп йўналишларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Умуман, юртимизда қурилиш соҳасининг илмий асосларини мустаҳкамлаш, бунинг учун қурилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоятнинг қурилиш материаллари саноатига доир тақдирот билан танишди.

Шу билан Президентимизнинг Сурхондарё вилоятга ташрифи якунланди.

Боборован ҒОЗИДДИНОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари



Хоним ТОШБОЕВ,
Бойсун тумани нурунийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби

Бошланиши 1-бетда

Мана шу охириги ўн йиллик силсиласида катта ижобий ўзгаришлар бўлди. Табиийки, ютуқлар билан муаммолар ҳам ёнма-ён юрар экан. Оғзимиз ошга етиб, елкамиз офтоб кўрганда сув масаласи дунёдаги долзарб муаммага айланиб кетди.

2018 йили давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятга ташрифи давомида



Дил изҳори

СУВ КЕЛСА ҒАР – НУР КЕЛГАЙ

ўтказилган йиғилишда кексаларга сўз берди. Бизни астойдил диққат билан тинглади. Бойсунда кўпдан буён давом этиб келаётган ичимлик сув тақчиллиги масаласи ҳақида айтди. Шундан сўнг Президентимиз топшириғига биноан Бойсун туманига Хў-жамайхона булогидан 37 километрли магистраль тармоқ тортилди. Бугун Бойсун аҳли шу сувдан баҳраманд бўлиб, мазкур савоби иш бошида турганларни дуо қилиб яшамоқда.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Тўпаланг” сув омборидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятдаги сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси кўтарилди. Жуда салмоқли ва кенг қўламли ушбу эзгу ташаббус доирасида вилоят худуди бўйлаб қарийб 246 километр масофага сув тармоқлари тортилди ҳамда ичимлик сув сақланганидан 8 та ҳовуз барпо этилди. Лойиҳанинг биринчи bosқичида Сарюсиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрган туманларидаги 35 та, иккинчи bosқичида Олтинсой туманидаги 16 та, Бандихон туманидаги 17 та, Қизириқ, Шеробод, Ангор ва Музработ туманларидаги 69 та маҳалла аҳолисининг тоза ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Учинчи bosқичида эса Термиз шаҳридаги 20 та маҳалла тоза ичимлик сувдан баҳраманд

бўла бошлади. Бу рақамни эшитиб, “Шу пайтгача шунча одам қандай сув ичган ва қандай кун кечирган экан?” деган савол тугилиши шубҳасиз.

Кунни кеча давлатимиз раҳбари иштирокида “Тўпаланг” сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятда ичимлик сув таъминотини яхшилаш лойиҳасининг амалий натижалари билан танишиш маросими бўлиб ўтди. Унда фаол нурунийлар сифатида сўзга чиқдик.

Инсон ёши улғайгани сайин ўтган йиллари ва бугунги турмушини, босиб ўтган ҳаёт йўлини қийслаб, таҳлил қилаверар экан. Кейинги йиллардаги эзгу ишларни кўриб, ўзимни ёшарётгандек ҳис этаман. Бундай ғамхўрликдан элимиз жуда мамнун. Айниқса, қутлуг Рамазон кунларида воҳа кексалари шундай қўлайликлар яратиб берилгани учун ташаккур айтиб, Яратгандан Ватанимиздаги тинчлик, эзгу ишларга бардавомлик сўраб дуо қилмоқда. Ахир дунёда сувдан кўра азиз, ҳаётбахш неъмат йўқ. Мана шу неъматга етиб турганимиз учун ҳам шукронасини адо этиб юришимиз керак.

Шу кунларда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Сув келтирган элда азиз” шеърини ёдлаб, давраларда ҳам жўшиб айтиб юрибман. Келинг, сизга ҳам эсимда қолганларини айтиб берай:

Сув келса ғар — нур келгайдир,
Яшнар кенту қишлоқлар,
Юз минг қалбда гўё бирдан
Порлар минг-минг чироқлар.

Сув келтирган элда азиз,
Сув келтирмоқ — мард иши,
Давлат иши — халқ ишидир,
Халқ иши — давлат иши.

Дуога қўл очинг демак,
Ҳожибобо, оксоқол:
Токи шу эл, шу халқ, Ватан
Асло топмасин завол.

Дунё тургунча бор бўлсин,
Парвардигор ёр бўлсин,
Сув келтирган мардларнинг
Давлати пойдор бўлсин!



ЎҚИТУВЧНИ ЭЪЗОЗЛАЁТГАН СУЯНЧИМИЗ БОР

Бошланиши 1-бетда

Ўзим ўқитувчиман. Бундан 10 йиллар аввал муаллим дейилса, пахта даласидан бери келмайдиган, иқтисодий имконияти оғирлигидан ишлаш учун хорижга кетган, ҳам моддий, ҳам маънавий абгор кишилар кўз ўнгимизга келарди. Ўзимиздан қиёс. Биз ҳам узоқ йиллар далада, олдимизда учраган ҳар бир гўзапоёга эгилиб ишладик. Кейинги ўн йилликда ўқитувчилик, устозлик ҳурматини ҳис қила бошладик. Қаддимиз тикланди, ҳаётга, касбимизга меҳримиз ошди. Давлатга кераклигимизни, миллий тараққиётимизга дахлдор эканимизни сездик.

Давлатимиз раҳбари ўтказган йиғилишларни кузатарканмиз, тараққиётнинг лоқомоти сифатида доим таълим-тарбия, педагоглар меҳнатига эътибор кун тартибиде эканини дилдан ҳис қиламиз. Президентимиз кечагина Термиздаги фаоллар иштирокидаги йиғилишда ҳам фикрларини сўз, муаллим, таълим, билим мавзуси билан бошлади. Бугунги ва эртанги ўзгаришлар фақат ва фақат билим ҳамда илмга асосланишини таъкидлади.

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари одатда рақамларга унча кўп мурожаат қилмайди. Аммо бугун мамлакатимиздаги ўзгаришлар нафасини баъзи рақамларда ифодаласак тўғри бўлади, назаримда. Кейинги 9 йилда Сурхондарёда боғчага қамров 28 фоиздан 68 фоизга ошди, 23 та мактаб қурилди, яна 448 таси таъмирланди. Бунинг ортидан



Ҳилола ХУДОЙМУРОДОВА,
Қизириқ туманидаги 36-мактаб ўқитувчиси

эса қўшимча 102 минг ўқувчи ўрни очилди. Бу рақамлар оддий кўрсаткичлар эмас. Ҳар бирининг замирида авлодлар камолоти, одамларнинг, айниқса, қишлоқ аҳли, бир умр боласини боғчага бериш нияти билан яшаган қишлоқ оналарининг орзулари рўёби бор.

Президентимиз ўқитувчиларнинг ойлик маошини 1000 долларга етказаман деган эди. Уша пайтда бунга биров ишонган, биров ишонмагандир, аммо бугун мен 2000 доллардан ортиқ маош оляман. Сизга бир мисол айтаман. Бундан ўн йил олдин — 2016 йили кредитга уй олганман. Ушанда ойлик маошим атиги 800 минг сўм, кредит тўловимиз эса 1 миллион

200 минг сўм эди. Рўзгор кемтик, қундалик харajatларимизни қоплай олмай жуда қийналардик.

Бугун юртимизнинг қай бурчагига борманг, ёниб ишлаيمان, келажак учун боримни берман деган фидойи ўқитувчига ҳозир ҳамма шароит бор. Вазир жамғармаси, 100 фоизлик ва яна бошқа устамалар, рағбатлар ортидан ҳаётимиз кун сайин яхшиланиб, мазмунга тўлиб бормоқда. Қисқача айтганда, ҳалол ва шарафли меҳнатимиз билан юқори маош оляемиз.

Қизириқдек олис туманда яшовчи ўқитувчи сифатида ҳар йили деярли бир ютуққа эришаман. Давлатимиз эътирофи сазовор бўла бошладим. Меҳнат қадрланадиган юртда ва замонда яшаймиз. Ўтган йили “Соғлом турмуш” медали билан тақдирланганим менга янада куч бағишлади.

Кечаги йиғилишда ҳам Президентимиз билан учрашиб, ўқитувчига қаратилган эътибордан бениҳоя қувондим. Давлатимиз раҳбарининг таълим ривожига ҳақидаги гапларини эшитиб, минглаб педагоглар қатори тўлқинландим. Ҳаяжон билан нималар деганини ҳам аниқ эслолмайман. Президентимизнинг “Ўқитувчиликнинг юзигидан нур ёғилаётганидан ҳам билинади”, деганини эшитиб, бениҳоя хурсанд бўлдим. Бутун йиғилиш давомида кўзимда ёш билан ўтирдим. Ўқитувчини, зиёлини эъзозлаб, муаллим манфаатини, фаровонлигини ўйлаётган тоғдек суянчимиз борлигидан миннатдорман.

Мулоҳаза

ЎЗБЕКИСТОН 2030

КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ —

БАРҚАРОР ЎСИШНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ



Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Давлат миқёсида креатив иқтисодиёт иқтисодий диверсификациянинг стратегик воситасига айланмоқда. У иқтисодиётни хомашёга қарамликдан ҳалос этади, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ва хизматлар яратишга замин ҳозирлайди, янги иш ўринларини шакллантиради. Шу билан бирга, миллий бренд ва маданий имижни мустаҳкамлаб, мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини оширади. Энг муҳими, у ёш авлод учун ўз иқтисодига ва ташаббусини рўёбга чиқариш имкониятини яратиб, ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Шу йил 12 февраль куни давлатимиз раҳбари креатив иқтисодиётнинг ривожлантириши, маданият муассасалари инфратузилмасини модернизация қилиш ва янги креатив маконларни барпо этишга оид тақдимот билан танишди.

Креатив иқтисодиёт дунё амалиётида алақачон барқарор ўсишнинг муҳим драйвери айланган. Жаҳон ялли ички маҳсулотига унинг улуши 3-7 фоизни ташкил этаётгани бежиз эмас. Бу рақамлар ортда саноят ёки хомашё эмас, балки ғоя, дизайн, рақамли технология, маданий маҳсулот ва интеллектуал меҳнат турибди. Креатив соҳаларнинг қиймати шундаки, улар юқори қўшилган қиймат яратади, экспорт салоҳиятига эга ва глобал бозорда тез мослаша олади.

Мамлакатимизда 2024 йили креатив иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 3,7 фоизни ёки 56,8 триллион сўмини ташкил этди. 770,6 миллион долларлик экспорт ҳажми миллий интеллектуал маҳсулот ва хизматларимиз халқаро бозорда ўз ўрнига эга бўлаётганини кўрсатади. Соҳада қарийб 320 минг кишининг бандлиги эса креатив иқтисодиёт фақат

назарий тушунча эмас, балки реал меҳнат бозори ва даромад манбаи эканини англатади. Бу кўрсаткичлар иқтисодиётнинг янги — интеллектуал ва инновацион қатлами шаклланиётганини тасдиқлайди.

Креатив иқтисодиёт жамият тафаккурининг иқтисодий ифодасидир. Аҳолининг катта қисми ёшлардан иборат экани, рақамли инфратузилма жадал ривожланиётгани ва бой маданий меросимиз мавжудлиги — буларнинг барчаси катта салоҳиятни англатади. Бироқ салоҳиятнинг ўзи натижа бермайди. Уни ҳаракатга келтирадиган омил эркин фикр, очиқ рақобат муҳити, замонавий таълим ва институционал қўллаб-қувватловдир.

2024 йили креатив иқтисодиёт тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиниши соҳанинг ҳуқуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлади. Илгари креатив фаолият кўпроқ ташаббус ва алоҳида лойиҳалар доирасида амалга оширилган бўлса, энди у мустақил иқтисодий йўналиш сифатида эътироф этилди. Бу бозор қондаларининг аниқлашуви, ҳуқуқий ҳимоя механизмлари кучайиши ва давлат қўллаб-қувватловининг тизимли шаклга ўтганидан далолат.

Креатив индустрия парки ташкил этилиши ва унинг резидентлари учун махсус солиқ режими жорий қилиниши иқтисодий рағбатлантиришнинг амалий механизмига айланди. Даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 6 фоизга туширилиши соҳадagi тадбиркорлар учун янги имконият эшигини очди. Бу имтиёзлар ғояни қўллаб-қувватлаш, инновацияни рағбатлантириш ва ресурсларни маҳсулот сифати ҳамда янги бозорларни ўзлаштиришга йўналтиришга хизмат қилади.



2030 йилга қадар креатив иқтисодиётнинг ЯИМдаги улушини 5 фоизга ёки 145 триллион сўмга етказиш, экспортни 1 миллиард долларга олиб чиқиш ва соҳада банд фуқаролар сонини 500 мингдан ошириш каби мақсадлар стратегик қарар ва узоқ муددатли режалаштириш самарасидир. Бу кўрсаткичлар фақат миқдорий ўсишни эмас, балки иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишини англатади.

Креатив иқтисодиётнинг ривожлантириши янги тармоқ яратиш эмас, балки инсон капиталига устувор аҳамият бериш, ғояни стратегик ресурс сифатида тан олиш ва иқтисодий сиёсатни тафаккур сиёсати билан уйғунлаштириш демакдир.

Қонун ва имтиёзлар — восита, мақсад эмас. Асл мақсад — жамиятда ижодкорлик муҳитини қарор топтириш, инсон тафаккурининг иқтисодий қийматга айлантира оладиган тизимни шакллантириш. Агар ғоя эркин ҳаракатланса, интеллектуал меҳнат қадрланса ва ташаббус институционал қўллаб-қувватланса, креатив иқтисодиёт рақамлардан ҳам каттароқ натижа — миллий тараққиётнинг янги моделини яратяди.

Тақдимотда Тошкент шаҳрида барпо этиладиган Креатив индустрия парки концепцияси атрофича кўриб чиқилди. Лойиҳа мазмунан бинолар мажмуаси эмас, балки ижодий тафаккур экотизимини шакллантиришга қаратилган яхлит макон сифатида талқин этилди. Унда ашил боғлар ва арт-объектлар билан уйғунлашган муҳит, халқаро дастурлаш тармоғининг Тошкент мактаби, китоб кафеси, спорт майдонлари, ижодий павильонлар, коворкинг маркази ва офислар, кино ва видео ишлаб чиқариш майдонлари, овоз ёзиш студияси, креатив индустрия кампуси ҳамда ёшлар ва ижодкорлар учун меҳмонхона барпо этилиши режалаштирилмоқда.

Бундай инфратузилма ғоянинг туғилиши, унинг муҳокамаси, ишлаб чиқилиши ва бозорга чиқишига бўлган барча босқични бир ҳудудда мужассам этади. Яъни парк ижодий жараёнини парчаланган ҳолатдан тизимли шаклга ўтказиш воситасидир. Лойиҳанинг давлат-хусусий шериклик асосида амалга

оширилиши эса креатив иқтисодиётда ҳамкорлик модели устувор аҳамият касб этишини кўрсатади.

Шунингдек, Янги Тошкент ҳудуди ва Нукус шаҳрида ҳам креатив парклар ташкил этиш режалаштирилгани ушбу ташаббуснинг қамрови кенгайишини англатади. Янги Тошкентда резидентлар учун ижара майдонлари, студиялар, медиа ва анжуман заллари, тижорат ва хизмат кўрсатиш объектири жойлаштирилди. Нукус шаҳрида эса Истиклол боғидаги павильон реконструкция қилиниб, кўп функцияли рақобат-маданият марказига айлантирилди.

Нукусдаги лойиҳанинг эътиборли жиҳати унда Ўзбекистоннинг “ЭКСПО — 2025” даги миллий павильонини жойлаштирилиши ва ёнида замонавий кутубхона барпо этилишидир. Бу қарор креатив маконни нафақат иқтисодий, балки маърифий ва маданий марказга айлантириш ғоясини ифода этади.

Йилгишода юртимиздаги маданият марказлари фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Республика бўйича 800 дан ортиқ маданият марказининг ярмидан кўпи таъмирталаб ҳолатда экани қайд этилди. Бу рақам оддий статистика эмас, балки инфратузилманинг маънавий ҳаётдан ортда қолаётганини кўрсатувчи жиддий сигналдир. Ақсарият марказлар фаолияти ҳануз аънавий байрам тадбирлари билан чекланиб, доимий ижодий муҳит ва замонавий хизмат турларини шакллантиришга етарлича эътибор қаратилмаётгани таъкидланди.

Шу боис, маданият марказларини замонавий андоза асосида ривожлантириш бўйича

оширилиши эса креатив иқтисодиётда ҳамкорлик модели устувор аҳамият касб этишини кўрсатади.

Шунингдек, Янги Тошкент ҳудуди ва Нукус шаҳрида ҳам креатив парклар ташкил этиш режалаштирилгани ушбу ташаббуснинг қамрови кенгайишини англатади. Янги Тошкентда резидентлар учун ижара майдонлари, студиялар, медиа ва анжуман заллари, тижорат ва хизмат кўрсатиш объектири жойлаштирилди. Нукус шаҳрида эса Истиклол боғидаги павильон реконструкция қилиниб, кўп функцияли рақобат-маданият марказига айлантирилди.

Нукусдаги лойиҳанинг эътиборли жиҳати унда Ўзбекистоннинг “ЭКСПО — 2025” даги миллий павильонини жойлаштирилиши ва ёнида замонавий кутубхона барпо этилишидир. Бу қарор креатив маконни нафақат иқтисодий, балки маърифий ва маданий марказга айлантириш ғоясини ифода этади.

Йилгишода юртимиздаги маданият марказлари фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Республика бўйича 800 дан ортиқ маданият марказининг ярмидан кўпи таъмирталаб ҳолатда экани қайд этилди. Бу рақам оддий статистика эмас, балки инфратузилманинг маънавий ҳаётдан ортда қолаётганини кўрсатувчи жиддий сигналдир. Ақсарият марказлар фаолияти ҳануз аънавий байрам тадбирлари билан чекланиб, доимий ижодий муҳит ва замонавий хизмат турларини шакллантиришга етарлича эътибор қаратилмаётгани таъкидланди.

Шу боис, маданият марказларини замонавий андоза асосида ривожлантириш бўйича

АҚШ билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун катта имкониятлар очади. Зеро, у дунёнинг глобал етакчи давлати сифатида сиёсий, иқтисодий ва технологик жараёнларга кучли таъсир кўрсатади. Иқтисодий жиҳатдан энг яхши ва барқарорлардан бири бўлиб, инновация, сармоа ва юқори технологиялар маркази ҳисобланади. Шунингдек, ҳарбий салоҳияти ҳам жуда юқори. Халқаро хавфсизликда фаол иштироки билан ажралиб туради. Бундай давлат билан ҳамкорлик инвестициялар жалб этиш, илғор технологияларни ўзлаштириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро майдонда нуфузини оширишга хизмат қилади.

Икки мамлакат ўртасидаги барча соҳалардаги ҳамкорликнинг рекорд даражага кўтарган воқеалар хронологияси эътиборли. 2017 йилнинг ўзида Ўзбекистон ва АҚШ етакчилари икки марта — Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити ҳамда сентябрь ойида Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида учрашди.

2018 йил 15-17 май кунлари Ўзбекистон Президенти АҚШлик ҳамқасби тақлифига биноан ушбу давлатга амалга оширган илк расмий ташрифи эса том маънода икки мамлакат муносабатларида стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берди ва узоқ муددатли ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратди. 2023 йил 16-20 сентябрь кунлари Нью-Йоркда амалий ташриф эса “С5+1” форматдаги биринчи саммит билан белгилаиб, минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичини мустаҳкамлади.

Утган йилнинг сентябрь ойи бошида Ўзбекистон Президенти ва АҚШ етакчиси ўртасида телефон мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида АҚШ раҳбари Ўзбекистондаги ислохотларни юқори баҳолади. Бу нафақат эътироф, балки том маънода мамлакатимиздаги ўзгариш ва демократик жараёнларни тан олиш эди.

2025 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 80-йиллик сессияси доирасида Ўзбекистон ва АҚШ Президентлари учрашуви тарихий аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбарининг ўша йил ноябрь ойида Вашингтонга амалий ташрифи шерикликка қўшимча суръат берди.

Оқ уйдаги музокаралар, АҚШ ва Марказий Осиё давлатлари етакчилари иштирокидаги “С5+1” саммити, маъмурият раҳбарияти, конгрессмен ва сенаторлар билан учрашувлар икки томонлама муносабатлар юқори стратегик даражага чиққанини тасдиқлади.

2025 йил декабрь. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Дональд Трампнинг телефон орқали мулоқоти. 2026 йил 22 январь куни давлатимиз раҳбари ва Дональд Трампнинг Швейцариянинг Давос шаҳрида Тинчлик кенгаши низомини имзолаш маросимидаги учрашуви.

Сўнгги йиллар алоқаларнинг фаоллашувида мисли кўрилмаган давр бўлди. Икки давлат раҳбарларининг очкичлик, барча йўналишдаги алоқаларни кучайтириш, уларни аниқ мазмун билан бойитиш йўлида намойён этган сиёсий иродаси туфайли ўзаро ишончнинг юқори даражасига эришилди. Экспертларнинг қайд этишича, Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон кўнгинга соҳалардаги улкан салоҳияти билан Қўшма Штатларнинг минтақавий сиёсатида объектив равишда ўта муҳим ўрин тутяди.

Нуқтаи назар

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ОЧИҚ МУЛОҚОТ МУҲИТИ

халқаро ва минтақавий масалалар бўйича позицияларни шакллантириш имконини бермоқда



Президентимиз томонидан қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларни ўзгартириш бўйича ташланган жиддий қадамлар эса Вашингтонда катта қизиқиш уйғотиб, АҚШ бошқарув доиралари расмий Тошкентнинг Марказий Осиё учун мутлақо янги сиёсий муҳитини шакллантиришга имкон берган замонавий ташқи сиёсий йўлни тўла қўллаб-қувватлашни таъкидлаб келмоқда.



Мансур МУСАЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор

Шу тариқа Оқ уй Ўзбекистоннинг тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ва минтақавий шериклик борасидаги юқори даражадаги ҳаракатларини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб келмоқда. “Бу икки давлат раҳбарларининг ўхшаш позицияларини ҳам намойён этади”, дейди экспертлар.

Жаҳон геосиёсий муҳити жуда тез ўзгариб бораётган бугунги шароитда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. Бу ҳамкорлик аънавий сиёсий мулоқотдан тортиб, иқтисодий, технологик ва гуманитар йўналишларда ҳам чуқурлашиб борапти. Стратегик шерикликнинг янги қирраси сифатида “яшил” иқтисодиёт ва қайта тикланувчи энергия соҳасидаги ҳамкорликни қайд этиш мумкин.

Рақамли трансформация ва инновациялар соҳаси ҳам янги ҳамкорлик майдонига айланмоқда. АТ таълим, стартап экотизими, сўнгий интеллект ва киберхавфсизлик каби йўналишларда тажриба алмашинуви юртимизини юқори қўшилган қиймат яратадиган иқтисодиёт сари етаклади. Қўшма таълим дастурлари, академик алмашинув ва илмий тадқиқотлар соҳасидаги ҳамкорлик эса янги авлод мутахассисларини тайёрлашга хизмат қилади.

пилот лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳа Тошкент, Қўқон, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги тўртта марказни қамраб олган. Уларнинг биринчиси Тошкент шаҳридаги “Тушан” маданият маркази негизда ташкил этилмоқда. Янги модель “маданият — таълим — ҳордиқ чиқариш — мулоқот” занжири асосида ишлайди. Бу ёндашув маданиятнинг бир мартикал тадбир эмас, балки узлуксиз ижодий ва маърифий жараён сифатида талқин этади. Турли йўналишлардаги клублар, устaxonалар, студиялар ва тўғарақлар шу занжирнинг амалий ифодаси бўлади.

Тақдимотда Буюк Британия Қироллик жағғармаси мактаби тажрибаси асосида Тошкент шаҳрида Анъанавий санъат олий мактабини ташкил этиш режаси ҳам кўриб чиқилди. Ушбу таълим муассасасида кулчилик, гишт терихи, манзарали безак, ёғоч ўймакорлиги, архитектуравий хаттотлик, геометрик ва биоморф нақш йўналишларида бакалаврият ва магистратура дастурлари амалга оширилади. Таълим инглиз тилида, икки йиллик дастур асосида олиб борилиши режалаштирилган. 2027 йилда 50, 2031 йилга бориб йилга 80 нафар мутахассис тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Бу рақамлар миллий хунармандчилик ва аънавий санъатини глобал таълим майдонига олиб чиқиш ниятини англатади.

Шунингдек, Миллий реставрация институтини ташкил этиш, Самарқанд шаҳридаги Библионим масжидини реставрация қилиш, “Туркистон” ёғи амфитеатрини таъмирлаш лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди. Лойиҳалаштириш ва реставрация ишларини UNESCO билан келишган ҳолда бажариш зарурлиги қайд этилди.

Бир сўз билан айтганда, креатив иқтисодиётнинг ривожлантириши масаласи бугун мамлакат тараққиётининг кўшимча йўналиши эмас, балки унинг стратегик устувор вазиридан бирига айланмоқда. Зеро, XXI аср иқтисодиёти табиий ресурслар эмас, балки билим, инновация ва ижодий тафаккурга таянади. Қайси давлат инсон капиталига сармоа киритса, эртага айлан уша рақобатда устунликка эришади.

Сўнгги қарор ва ташаббуслар — ҳуқуқий асос яратилиши, креатив индустрия парклари ташкил этилиши, солиқ имтиёзлари берилиши, маданият марказларини тубдан янгиллаш, аънавий санъат таълимини институционаллаштириш — буларнинг барчаси яхлит стратегиянинг ўзаро боғлиқ бўғинларидир. Бу ислохотлар иқтисодий ўсиш суръатини ошириш билан бирга жамиятнинг маънавий имунитетини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Энг муҳими, креатив иқтисодиёт ғояси инсонни марказий ўринга қўяди. Унда ёшларнинг ташаббуси, ижодкорнинг эркин фикри, тадбиркорнинг инновацион қарашини асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланади. Агар давлат бераётган имкониятлар жамиятнинг ички салоҳияти билан уйғунлашса, белгиланган 2030 йил мақсадлари шунчаки рақам бўлиб қолмайди, балки реал натижага айланади.

Демак, креатив иқтисодиёт фақат иқтисодий модел эмас, балки янги тараққиёт манзарасидир. У моддий бойлик яратиш билан бирга маънавий қийматларни ҳам мустаҳкамлайди. Айнан шу — иқтисодий прагматизм ва маънавий юксалиш уйғунлиги мамлакатни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масаларидаги мулоқот янги мазмун касб этмоқда. Марказий Осиёда иқтисодий интеграцияни қўллаб-қувватлаш, транспорт ва логистикани ривожлантириш, савдо алоқаларини кенгайтириш бўйича ташаббуслар икки томонлама муносабатларнинг стратегик аҳамиятини оширмоқда.

Энг муҳими, бу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг тенглик, ўзаро хурмат ва амалий манфаатларга асосланган очиқ ва прагматик ташқи сиёсати ҳамда АҚШнинг глобал иқтисодий имкониятлари уйғунлашган ҳолда янги марраларни забт этишга замин яратяди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик муносабатлари, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида барқарор ривожланиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили товар айирболаш ҳажми бир миллиард доллардан ошди. Қўшма ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши ташкил этилиши эса бу кўрсаткичларни янада оширади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти ва АҚШ етакчиси ўртасидаги дўстона ва ўзаро хурматга асосланган муносабатлар сиёсий ишончнинг мустаҳкамлашга муҳим омил бўлаётди. Ўзаро ишонч ва очиқ мулоқот муҳити халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ҳам мувофиқ позицияларни шакллантириш имконини бермоқда. Айниқса, глобал хавфсизликка ҳисса қўиш борасидаги ёндашувлар томонларни янада яқинлаштирди. Хусусан, Ўзбекистон Тинчлик кенгаши низомини имзолаб, янги халқаро платформа тизимини тасвирчи давлатга айланади.

Тинчлик кенгаши ташкил этилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тинчликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ва кўп қиррали ҳамкорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазирига мосдир. Тинчлик кенгаши жоғро кескинлигини қамайтириш, Ғазо секторида иқтисодий ва ижтимоий тикланиш учун кулай шароитлар яратяди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон — АҚШ янги стратегик шериклик даврининг тарихий максимум даражаси икки мамлакат ўртасида барча соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлайди.



Жараён

ШАРИАТ ҚОИДАЛАРИГА

АСОСЛАНГАН МОЛИЯ

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ ИСЛОМ БАНКИ ОЧИЛАДИ

Ислам таълимоти кўп жиҳатдан дунёвий илмдан фарқ қилади. Ҳатто молиявий масалаларда ҳам тақлифлар турлича бўлади. Масалан, ислом банкларини олайлик. Улар одадий банк тизимларидаги каби тасаввур уйғотса-да, аслида, кўрсатиладиган хизматлар шариатда рухсат этилган амалларгагина асосланади. Фоизлар ва бошқа ножиоз фойдаларга йўл қўйилмайди. Шу жиҳати билан ҳам одамларнинг эътиборини тортади.

Баъзи давлатларда инсонлар ислом ақида-ларига эид ҳисоблагани боис, ҳатто анъана-вий тижорат банклари хизматларидан фойдаланмайди, молиявий олд-бердилардан узоқ юради. Агар мамлакатда ислом банклари бўлса, уларнинг мижозига айланиши мумкин. Аммо бу турдаги банклар ҳамма давлатда ҳам учрамайди. Гап факат исломий меъёрларда эмас, шунчаки ислом молияси ниҳоятда катта тизим ва уни амалиётга киритиш жиддий молиявий ҳаракатлар, илмий асослар ҳамда аниқ ислохотларни талаб этади.

Ўзбекистонда бунга доир ҳаракатлар 2020 йилдан кейин бошланди. Ушанда ёш олимлардан бири билан суҳбатлашганимда, ислом молиясини жорий этиш учун соҳа мутахассислари, илмий ёндашувлар зарурлиги, бу бирмунча вақт талаб этишини айтганди. Шундай бўлди ҳам, бу борада юртимизда кечган бир неча йиллик ўрганиш ва таҳлиллардан сўнг амалий ҳаракатларга ўтилмоқда. Кичик одамлар жиддий ва катта қадамларга айланиб борапти. Эндиликда мамлакатимизга ислом молия тизими кириб кела бошлади. Ислам банкларини ташкил этиш ишлари фаоллашган. Ҳатто 2027 йилда юртимизда биринчи исломий банк очилиши кутилляпти.

Бу вазира "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида аниқ белгилаб қўйилган. Қолаверса, яқин муддатларда юртимиздаги камда 3 та тижорат банкида ислом молия маҳсулотлари йўлга қўйилади. Ислам молия тизими ва исломий банк фаолиятини жорий этиш ҳамда ривожлантириш бўйича тегишли қонун ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, жорий йил февралда у Сенат томонидан тасдиқланди. Қонун Президент томонидан имзоланган, кучга киради.

— Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг муқобил молиявий инструментлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ислом молия хизматлари бозорини ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодиётига қўшимча инвестиция жалб этишга хизмат қилади, — дейди Марказий банкнинг исломий молия бўйича лойиҳа офиси бўлим бошлиғи Аҳмадхон Ҳайдаров. — Гап шундаки, талаб ортиб бораётган шароитда тақлифлар шунга яраша бўлиши керак. Бугун юртимиз аҳолисининг банк ва молия хизматларидан фойдаланиш кўрсаткичлари анча юқори ва бу борада тақлифлар турини ошириб боришга талаб ҳам мавжуд. Бундай шароитда халқаро исломий молия стандартларига мувофиқ янги турдаги муқобил банк хизматларини жорий этиш муҳим қадамлардан бири бўлади.

Тегишли қонун билан исломий банк фаолияти учун алоҳида лицензия жорий этилмоқда. Бунда, асосан, иккита модель назарда тутилган. Яъни амалда ишлаб келаётган банклар ҳам исломий банк фаолиятини амалга оширувчи лицензия орқали бир вақтнинг ўзида икки йўналишдаги хизматларни кўрсатиши мумкин бўлади. Ўз навбатида, мутлақо янги ташкил этиладиган исломий банклар лицензия асосида иш бошлайди. Бу рақобат муҳитига ижобий таъсир кўрсатади. Банкларда мижозлар қамровини ошириш бўйича рақобат ортиб, аҳолида молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайди, тадбиркорлик субъектларида ҳам муқобил молия шакллари пайдо бўлади. Бундан реал сектор ижобий натижа кўриши мумкин.

Тўғри, ислом банкларини ташкил этиш бўйича жараёнлар бошланганига бир неча йилдан ошди, аммо мазкур механизмни жорий этиш кўпчилик ўйлаганидек осон эмас. Бу жиддий иқтисодий таҳлил ва ўрганишларни талаб қилади. Биринчи навбатда, унинг ҳуқуқий асослари яратилиши зарур. Шу боис, қабул қилиниши кутилаётган қонун билан мавжуд 2 та кодекс ҳамда 7 та қонунга исломий банк фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи янги нормалар киритилмоқда. Ҳуқуқатнинг тегишли топшириғи билан Ўзбекистонда ислом молиясини жорий этиш бўйича лойиҳа бошқарув режаси ҳам ишлаб чиқилган. Қонун кучга киргач, жиддий амалий ҳаракатларга ўтилади.

Демак, Ўзбекистонда исломий банкларини ташкил этиш бошланмоқда. Тўғри, бу борадаги хабарлар бир неча йил олдин пайдо бўлганда ва унинг амалга ошишини кутаётганлар кўп. Одамларнинг баъзилари ислом банклари ҳақида эшитган бўлса-да, аксарияти бу молия механизми бўйича аниқ тушунчаларга эга эмас. Шу боис, ҳуқуқат томонидан қабул қилинган лойиҳа бошқарув режаси аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ислом молияси соҳасидаги саводхонлигини ошириш, исломий банк маҳсулотлари ва хизматлари моҳиятини тушуниришга қаратилган кенг қамровли молиявий тарғибот қилиш вазифалари белгиланган.

Бунда мутахассислар аҳоли ва тадбиркорлар билан мулоқотлар довомида ислом банкчилиги ва унинг инструментларининг амалиётда қўлланиш хусусиятлари ҳақида тушуниришлар бера бошлади. Боиси, мамлакатимизда ислом ташкилотлари билан



пайдо бўлганда ва унинг амалга ошишини кутаётганлар кўп. Одамларнинг баъзилари ислом банклари ҳақида эшитган бўлса-да, аксарияти бу молия механизми бўйича аниқ тушунчаларга эга эмас. Шу боис, ҳуқуқат томонидан қабул қилинган лойиҳа бошқарув режаси аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ислом молияси соҳасидаги саводхонлигини ошириш, исломий банк маҳсулотлари ва хизматлари моҳиятини тушуниришга қаратилган кенг қамровли молиявий тарғибот қилиш вазифалари белгиланган.

Бунда мутахассислар аҳоли ва тадбиркорлар билан мулоқотлар довомида ислом банкчилиги ва унинг инструментларининг амалиётда қўлланиш хусусиятлари ҳақида тушуниришлар бера бошлади. Боиси, мамлакатимизда ислом ташкилотлари билан

сўнг икки томон тенг шерикка айланади. Бўлажак фойда етмишга ўттиз, элликка эллик ва ҳоказо тарзда ўзаро келишув асосида олдиндан аниқ белгилаб олинади. Агар фойда бўлмаса, банк ҳеч нарса олмайди. Аммо банк тадбиркорнинг фойда кўриши учун маслаҳат ва бошқа ёрдамлар ҳам бериб боради, ишбилармоннинг шеригига айланади. Умуман, ислом банкчилиги жуда катта тушунча ва унинг механизмлари кўп.

Бу каби маълумотлар, айниқса, тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон банклари ассоциациясида қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган ўқув семинарлари давомида бу яққол кўзга ташланяпти. Уларда юзлаб тадбиркорлар иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб оляпти.

Сурхондарёлик Насиба Нормуродова онлайн хусусий клиникалар тармоғини бошқаради. Айтишича, вилотнинг учта туланишида хусусий клиникалар фаолиятини йўлга қўйган. Энди Термиз шаҳрида ҳам клиника очиб ҳаракатида. Ўзи мўлжаллаган бино эса тегишли банк балансида бўлиб, аёл гарови йўқлиги сабаб уни сотиб ололмаётган. Юртимизда ислом банклари ишга тушса, бу борада тадбиркорга қандай ёрдам бера олиши мумкинлиги билан қизиқди. Мутахассисларнинг тушуниришича, бундай вазиятда ислом банк бинони ўзи сотиб олиб, тадбиркорга ижара беради. Ижара ҳақи ойма-ой тўланади, охирида бино тўлиқ ишбилармон тасарруфига ўтказилади.

Яна бир тадбиркор эса кўпинча мuddатли тўлов асосида насянга савдо қилиши, бу ислом қондаларига қанчалик мослиги, одамлардан Мажбурий ижро бюроси орқали олдиндан тўлов ундириш жоиз ёки йўқлиги ҳақида сўради. Бу борада ислом банкчилиги қандай тақлифларни бера олиши билан қизиқди. Тадбиркорлар билан суҳбатлашганимда, аксари ислом молияси ҳақида фақат интернет орқали айрим нарсаларни ўқигани, бу борада аниқ тасаввур йўқлиги, аммо билишга қизиқиши ҳақида гапирди. Агар келгусида хизмат шартлари маъқул келса, фойдаланишини билдирди.

— Ислам молияси ва банкчилиги Ўзбекистон учун янги тажриба. Тўғри, бу амалиёт кўплаб давлатларда омаллашгани ҳақида эшитганимиз, аммо тажрибада ундан деярли хабаримиз йўқ, — дейди Американинг "Astorius NRG" компаниясининг Ўзбекистондаги дилерлик корхонаси мутахассиси Шухрат Ғаниев. — Шунинг учун бу мавзудаги маълумотлар янги қизиқ бўляпти. Қолаверса, юртимизга ислом банкчилиги аста

секин кириб келаётгани қувонарли. Бу банк йўналишида аҳолига бериладиган тақлифлар турини оширади. Масалан, бизнинг корхонамиз Хитойда ишлаб чиқариладиган қуёш панелларини олиб келиб, ўрнатиб бериш билан шугулланади. Ҳозирги вақтда харидорларга мuddатли тўловлар асосида панель сотиб олишни тақлиф қилолмаймиз, чунки молиявий имкониятимиз йўқ. Бу борада ислом банклари билан ҳамкорлик қилишимиз мумкин. Тушунишимча, улар бизга фоизга қарз бермайди, балки шериклик асосида ишлайди. Кўриладиган фойда келишув асосида муайян нисбатларда тақсимланади. Агар бу бизга тўғри келса, келгусида албатта ҳамкорлик қилишни кўзлаганмиз.

Албатта, маъқул келса. Яъни ислом банклари ҳам, анъанавий тижорат банклари ҳам талаблари доирасида тақлифни беради, инсонлар эса ўзига маъқулни танляйди. Ислам банкларининг пайдо бўлиши анъанавий тижорат банклари фаолиятига жиддий хавф бўлиб, мижозлар ислом тамойилларига асосланган молиявий хизматларни кўпроқ афзал кўради деган тушунчалар ҳам йўқ эмас. Аммо бу одамларга бериладиган молиявий тақлифларни чеклаш кераклигини аналитиклар, аксинча, тақлиф тури қанча кўп бўлса, хизматлар сифати шунча ортиб боради. Бу эркин бозор иқтисодиёти ва соғлом рақобат тамойилларидан бири.

Очиги, бир неча йил олдин юртимизда исломий банклар ташкил этиш ҳақида гапирилганида, кўпчилик бунга ишонмаганди. Дунёвий давлатда тўла шариат қондалари асосида ишлайдиган банкларни ташкил қилиш эҳтимолдан йироқ бўлиб, номи ислом банки бўлса-да, амалда анъанавий молия ташкилотларидаги каби хизматлар кўрсатилиши борасидаги фикрлар ҳам йўқ эмас. Аммо ислом молиясини мавжуд тақлифлар асосида жорий этишга биз ўйлаганимиздан кўра жиддий эътибор қаратилмоқда. Фақатгина номи эмас, балки талаб ва механизмлари ҳам айнан ислом қондаларига мослаштирилиши тақийдланяпти.

Ҳатто Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво марказида бухгалтерия, аудит соҳалари бўйича мутахассислар аниқ йўналишда ишламоқда. Улар томонидан юртимизда ташкил этиладиган ислом банклари учун асос қилиб олинаётган стандартлар айнан халқаро меъёрлар асосида ишлаб чиқилмоқда.

— Ҳар битта ислом банкида шариат кенгашири ташкил этилади ва Фатво маркази мутахассисларидан иборат аълолар гуруҳи иш жараёнида бевосита қатнашади, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази бош мутахассиси Ҳикматилло Тоштемуров. — Улар қилинаётган ишлар шаръий меъёр ва тамойилларга мослигини кузатиб туради, маслаҳат ва тақлифлар беради. Албатта, ислом банкларидан ҳам фойда кўриш деган тамойил мавжуд, аммо бу шариат қондалари, мезонларига асосланади. Чунки ислом молиясининг асосида, аввало, ислом дини қондалари туради. Яъни ҳалоллик, поклик, ҳамма нарсанинг очик, шафқатлиги, ишнинг охири жанжалга бормаслиги учун қондалар ишлайди, фоизга қарз ёки кредитлар бўлмайди. Банклар мижозларидан олган пули ёки қилинган савдодаги маблағини шерикликка тикади. Шерикликдан тушадиган фойда эса келишув асосида мижозлар билан тақсимланади. Аслида, бу муомала одамлар орасида минг йиллардан буён қилиб келиняпти. Ислам банклари эса бунинг ахлоқий ва шафқатли қўринишидир.

Юртимизда ислом банкчилиги қанчалик даражада йўлга қўйилиши борасида турли қарашлар бўлаётгани табиий. Ҳар қандай янги амалиёт олдиндан шундай бўлади. Асосийси, бу борада дадил қадамлар ташланганига қолмай, барча зарур талабларга риоя этилишига жиддий эътибор қаратилляпти. Янги қонун Президент томонидан имзоланган, бунга янада кенг йўл очилади.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



Маҳалла тадбиркори

ҲАЛОЛ МЕҲНАТНИНГ ШИРИН НОНИ

Уч-тўрт йил аввал Рустам ака катта корхонада ҳайдовчи бўлиб ишларди. Қоидага кўра, ҳар куни эрталаб ҳайдовчилар тиббий кўрикдан ўтказилади. Агар саломатлигида бирор ўзгариш аниқланса, ишга чиқишга рухсат берилмайди. Ахир юк машинаси билан олис сафарга чиқиш осон эмас...

ҚАШҚАДАРЁЛИК РУСТАМ БОБОМУРОДОВНИНГ НООДАТЙ ТАЖРИБАСИ ХУСУСИДА

фойдаси бўлади. Қон босимингиз меъёрга тушади. — Доктор, ҳазиллашманг. Куён боқиб, соғайиб бўларканми, — дея ажабланди Рустам ака. — Сиз бир синаб кўринг. Кейин менга раҳмат айтиб келингиз, — деди шифокор ишонч билан. — Куён гўштинини ейишим ҳам керакми? — Истасангиз энг. Фақат ўзингиз меҳнат қилиб, кўпайтиргандан сўнг, — дея таъкидлади врач. Рустам ака бу гапларга унчалик ишонмагани боис, врачнинг маслаҳатини тезда унутди. Шу зайилда икки йил ўтиб кетди. Аммо юқори қон босими билан юриш осон эмасди. Ҳар сафар оладиган муолажаси вақтинча чора эди. Бир куни врачнинг ўша маслаҳатини эслади. Бозорга бориб, бир жуфт куён сотиб олди. Бир мuddат ўтгач, куёнлар кўпайишни бошлади. Бу Рустам акани қизиқтириб қўйди. Жойини кенроқ қилди. Деярли ҳар куни жониворлар билан овунадиган бўлди. Кўп ўтмай кўёвлари 30 бошдан ошди. Энди уларни сотадиغان бўлди. Бир томондан кўпайтирар, бир томондан сотиб, даромад оларди. Ажабланарлиси,

соғлиғида яхши ўзгариш сезилди. Бунга янада аниқлик киритиш учун шифокор кўригидан ўтди. Ҳеч бир муаммо йўқ эди. Мамнун бўлди. — Куёнлар билан овора бўлиб, соғлигимдаги муаммо ҳам ёддан кўтарилиб кетибди, — дейди Касби туманидаги Маймонақ маҳалласида яшовчи Рустам Бобомуродов. — Шифокор айтганда ишонмагандим. Мана, бир йилдан буён куён боқаман. Ҳозир соппа-согман. Бундан ташқари, яхшигина маблағ ҳам ишлаяпмиз. Ҳисоблаб кўрсам, бир бош куён кўпайиб, жами эллик миллион сўмга яқин даромад келтирибди. Бу ишни ҳамма қилиши мумкин. Катта жой керак эмас. Кўп меҳнат ҳам талаб қилмайди. Бир оз эътибор керак, холос. Ҳозир оиламиз шу иш билан банд. Кўшнилларга ҳам куён боқишни тавсия этилман. Имкониятдан тўғри фойдалансак, иш излаб юриш шартмас.




қадар ўша жойдаги одамларга бир парча жойдан ҳам яхши даромад олиш мумкинлигини тушуниришга уради. — Дастлаб томорқада бодом данагини кўмиб, кўчат кўпайтиришга киришдик, — дейди қаҳрамонимиз. — Маҳалламизда, асосан,

бодом етиштирилади. Шу боис, кўчатчилик ордидан яхши фойда олишни бошладим. Шундан сўнг мевали даррахт новдаларини пайванд қилиб, сотишни йўлга қўйдим. Кейинчалик ҳовлида жой торлик қилиб қолди. Кўчада эски зовурнинг ўрнида бир сотихдан кўпроқ

Ақбар РАҲМОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

МИЛЛИЙ ҒУРУР. ПАРВОЗИ

Бугун дунёда рақобат янги босқичга чиқиб, иқтисодий қудрат табиий бойликлар билан эмас, интеллектуал салоҳият ва технологиялар билан ўлчанмоқда. Космик технологиялар эса стратегик аҳамиятга эга йўналишлардан бирига айланди. Халқаро таҳлил марказларининг баҳолашича, аини пайтда глобал космик иқтисодиёт ҳажми 600 миллиард доллардан ошган, 2035 йилга бориб 1,8 триллион долларга етиши кутилмоқда. Ушбу соҳанинг ўсиш суръатлари жаҳон иқтисодиёти динамикасида юқори.



Ўзбекистон учун космик соҳани ривожлантириш ва биринчи миллий космонавтни тайёрлаш масаласи стратегик аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, бу турдаги фаолият узоқ муддатли технологик тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Жумладан, "Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор космик соҳада сунъий йўлдош ва мамлакатимиз фуқароси бўлган биринчи Ўзбек космонавтини фазога учуриш бўйича ишларни бошладик. Бу янги Ўзбекистоннинг илмий ва технологик ривожланишига, умуман, миллий тараққиётимизни янги босқичга олиб чиқишга катта туртки беради, деб ишонанам", деди Президентимиз.

Бу эса мамлакатимизни нафақат технологиялардан фойдаланувчи, балки уларни яратиш ва ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этувчи давлатга айлантиришга қаратилган қатъий интилиши ифода этади. Мамлакатимизда космик маълумотлардан фойдаланиш бошланганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, қисқа фурсатда сезиларли натижаларга эришилди. Жумладан, давлат космик мониторинги провайтнинг равишида ишламоқда. Шу билан бирга, сўнгги беш йилда масофадан зондаш маълумотларига талаб 3 қарра ошди. Ҳозир космик мониторинг билан 10 дан зиёд давлат идораси ва барча ҳокимликлар ишламоқда.

Космик фаолият давлатлар учун кўпгаб муҳим устуниликларни таъминлайди. Аввало, бу маълумотлар, сунъий йўлдош мониторингинг, қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари, транспорт ва шаҳарсозликни аниқ маълумотлар асосида бошқариш имконини беради. Айниса, қишлоқ хўжалигида ерни масофадан зондаш орқали туپроқ ҳолатини таҳлил қилиш, намлик даражасини аниқлаш, ҳосилдорлиқни прогнозлаш, қурғоқчилик ва касаллик ўчоқларини барвақт аниқлаш мумкин.



Натижада илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари сифатида тиббиёт ва биология, ўсимликлар генетикаси, материалшунослик ҳамда бошқа соҳалар ривожланмоқда.

Технологик мультипликатор таъсир — иккинчи муҳим устунилик. Космик лойиҳаларга киритилган инвестициялар электроника, дастурулаш, янги материаллар, ускуналар ва алоқа тизимларининг жадал ривожини рағбатлантиради. Бу йўналишлар мамлакатнинг замонавий технологик базасини шакллантиришда муҳим ўринга эга.

Ўзбекистоннинг биринчи космонавтини тайёрлаш мамлакатнинг технологик имкониятларини мустаҳкамлашда муҳим

омилдир. Бу ташаббус ёш авлоднинг муҳандислик, аниқ фанлар ва илмий тадқиқот соҳаларига қизиқишини янада оширишга хизмат қилади.

Жорий йил 16 февраль куни космосга сунъий йўлдош учуриш ҳамда биринчи Ўзбек фазогирни тайёрлаш бўйича дастлабки ишлар тақдиротида бу борадаги ишлар яна бир бор таҳлил қилинди ва зарур чора-тадбирлар белгиланди.

— Мурожаатнома асосида ривожланган ва ривожланаётган давлатлар таърибаси — Ўз космонавтини фазога учуриш ҳамда халқаро космик станцияда олиб борадиган илмий тадқиқотлар атрофида ўрганилди, — дейди Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги директори Шухрат Қодиров. — Шу билан бирга, космик соҳада узоқ муддатли ва барқарор миллий тизим — сунъий йўлдошларни бошқариш, маълумотларни қайта ишлаш ва улардан амалиётда фойдаланиш инфратузилмасини шакллантириш муҳим. Асосий мақсад мамлакатимиз суверен ва объектив маълумотлар манбаига эга бўлишидир. Ҳозиргача хорижий давлатлар таърибаси ўрганилиб, бўлажак сунъий йўлдошнинг аниқлиги ва фойдали оқламамасига доир техник талаблар аниқланди. Бунда фазогирларни танлаш, уларни тайёрлаш жараёнида атрофчи таҳлил қилинди. Бу бўйича махсус давлат комиссияси тузилди.

2028 йилда Самарқанд шаҳрида космос бўйича халқаро конгресс бўлиб ўтади. Унда АҚШ, Европа мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон, Россия ва бошқа давлатларнинг етакчи космик ташкилотлари иштирок этишга кизиқиб билдирган. Тақдиротида Президентимизга бу йўналишда қилинаётган ишлар бўйича ҳам ахборот берилди.

Тақдиротида илмий-технологик салоҳиятни ошириш доирасида биринчи миллий илмий сунъий йўлдошнинг яратиш лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Лойиҳа асосида мутахассис-

ларни тайёрлаш ва муҳандислик жамоасини шакллантириш, 2028 йилда "Мироз Улугбек" номи 6U форматдаги илмий сунъий йўлдошни учуриш тақдир қилинди.

Бир сўз билан айтганда, космик соҳани ривожлантириш маълумотлар, кадрлар салоҳияти, муудофаа қобилияти ва узоқ муддатли тараққиётга киритилаётган инвестициядир. Шундай экан, мазкур йўналишда ўз вақтида позиция эгаллаган давлатлар жаҳон бозорига интеграциялашиб, келажак авлод учун барқарор технологик асос яратяди.

Ўзбекистоннинг биринчи космонавтини тайёрлаш мамлакатнинг технологик имкониятларини мустаҳкамлашда муҳим

Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида ёшлар жамиятнинг ички энергияси, қудрати қувватини ўзида мужассам этган бебаҳо хазина, катта куч десак, муболаға бўлмайди. Зеро, бугунга келиб ёшларимиз нуфуси 22 миллиондан ошгани фақат демография кўрсаткич бўлибгина қолмай, мамлакатнинг иқтисодий суръати, ижтимоий ҳаракатчанлиги ва маънавий янгиланиш жараёнларининг бош омили ҳамдир. Ана шундай шароитда давлат сиёсатининг ёшлар билан тўғридан тўғри мулоқот асосида янгиланиб бориши тасодиф эмас. Чунончи, кейинги йилларда ёшлар сиёсати алоҳида йўналиш даражасидан умумдавлат стратегиясининг марказий устунига айланганига гувоҳ бўлиб турибмиз.



ЁШ АВЛОДНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

юмшатилиши янги ташаббусларни расмий иқтисодиёт майдонига олиб қиради. Фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга 2 миллиард сўмгача, 5 нафар битирувчинини ишига олган тадбиркорларга 10 миллиард сўмгача кредит берилиши меҳнат бозори билан узвий боғлиқ механизмни шакллантиради. Ушбу ёндашув тадбиркорликни кенгайтириш жараёнида ёшлар бандлиги билан бирлаштиради, олий ва профессионал таълим битирувчиларини реал сектор билан боғлайди.

Шу кун Президентимиз инновацион стартапларни қўллаб-қувватлашга доир қатор аниқ механизмларни эълон қилди. Бу бежиз эмас. Замонавий иқтисодиётда рақобат устунилиги хомашё ёки арзон ишчи кучи билан белгиланмайди. Асосий омил билим, технология ва тежорат мусолаша қобилиятидир. Ўзбекистон шароитида ҳам ёшлар орасида АТ, муҳандислик, рақамли хизматлар, креатив саноат йўналишларига қизиқиш кескин ошиб борапти. Шу маънода, инновацион стартап лойиҳаларига 100 миң долларгача инвестиция киритишга рухсат берилгани аини муддао бўлди. Аввал бундай лойиҳалар асосан кичик грантлар ёки хусусий инвесторлар қидируви билан келаклиб қоларди. Энди эса дастлабки босқичдаги технологик лойиҳалар зарур капиталга эга бўлиб, прототип яратиш, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, бозор синовларини ўтказиш имкониятлари кенгайди. Бу механизм, ҳеч шубҳасиз, стартап экотизимини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Кўплаб ёшлар техник жиҳатдан кучли маъсулот яратишининг уддасидан чиқса-да, маркетинг, брендинг, дизайн, сертификатлаш жараёнларида етарли таърибга эга эмас. "Ёш тадбиркорлар" танловида энг яхши 100 та лойиҳани бренд даража-

сига олиб чиқиш учун 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилиши уларга аини масалада зарур кўмак бўлиши мумкин. Молиявий ва ташкилий кўмак аинан шу бўғинни мустаҳкамлайди, янги инновацион маъсулотларни ички ва ташқи бозорга олиб чиқишга хизмат қилади. "Уси ва ривожланиш" стартап лойиҳаси доирасида энг яхши 40 ташаббусга 2 миллиард сўм ажратилиши ҳам инновацион голярини танлаб олиш ва уларни тезлаштирилган тартибда қўллаб-қувватлашни назарда тутяди.

Яна бир янгилик. Самарқандда энг яхши лойиҳа эгалари иштирокида Халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳини ташкил этиш ташаббуси ижтимоий интеграция ва маданий алмашинувни кучайтиради. Кўҳна шаҳарда бундай масканнинг барпо этилиши турли ижтимоий гуруҳ вакилларини бир майдонда бирлаштиради, инклюзив муҳитни ривожлантиради, ёшлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат тамойилларини мустаҳкамлайди. Ижтимоий ҳимоя ва имкониятлар тенгчилиги қаратилган ушбу механизм ёшлар сиёсатини комплекс кўринишда намоён этади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилаётган "Менинг биринчи касбим" дастури олий таълим муассасалари битирувчиларини амалий таъриб билан таъминлаш механизмини янги босқичга олиб чиқиши лозим. Битирувчилар учун ойига 2 миллион сўмгача стипендия тўлаётган стажировка тизими ёш мутахассиснинг дастлабки иш таърибасини молиявий қўллаб-қувватлайди. Кўплаб ёшлар диплом олгач, дарҳол юқори маошли иш топшида қийналади, иш бериувчилар эса таърибсиз мутахассисни қабул қилишга шошилмайди. Стажировка дастури шу ўтиш даврини енгиллаштиради, иш бериувчи ва битирувчи ўртасида кўприк вазифини бажаради.

"Янги авлод тадбиркорлари" дастури доирасида хорижий таърибга бўйича тузилган ўқув модуллари асосида 40 миң ёшнинг бизнес бораида ўқитиш, Гарвард, Стенфорд каби нуфузли таълим масканлар билан ҳамкорлик халқаро методологияни ўзлаштиришга заман яратяди. Бу ёндашув ёшларга глобал иқтисодий муҳит талабларига мос равишда тайёрлашни назарда тутса, техник умқувчилари учун "Work and travel" дастури орқали хорижда ишлаш имкониятини яратиши ёшларнинг касбий ва маданий таърибасини бойитяди. Халқаро меҳнат муҳити билан танишиш, янги технологияларни ўрганиш, тил кўникмаларини ривожлантириш кейинчалик маҳаллий иқтисодиётга қайтиб келадиган таърибга капиталини шакллантиради.

Учрашувда давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор қаратган жиҳатлардан бири маърифат, маънавият масаласи бўлди. Жумладан, "Китобхонлик маданиятини ривожлантириш" жамғармаси орқали истеъдодли ёзувчиларга ижод учун ойига 20 миллион сўмдан ҳақ тўланиши, мактаблардаги энг фаол китобхон ўқувчиларга 10 миллион сўмдан мукофот бериш каби ижодкор ва китобхонларни бирдек рағбатлантиришнинг янги моделини ёдга олиш мумкин. Шунингдек, китоб савдосини ойига 10 миң дондан оширган тадбиркорларга 1 миллиард сўмгача 7 фойзлик ссуда ажратилиши наشريёт ва савдо инфратузилмасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ушбу сазй-ҳаракатлар туфайли ёшлар онгида билимга ҳурмат, мутолаа маданияти ва ижодий тафаккур шаклланади. Интеллектуал муҳит мустаҳкамланганда ижтимоий жараёнлар чуқурроқ англанади, танқидий фикрлаш ривожланади, янгилликка очкилик кучаяди.

Ғофур АБДИЛАКИМОВ, Ўзбекистон Миллий педагогика университети ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи, профессор

Давлатимиз раҳбарининг 24 февраль кун ёшлар билан учрашуви аини жараённинг маңтиқий давоми, янги босқичдир. Мазкур учрашувда илгари сурилган ташаббуслар кўлами, молиявий миқёси ва институционал теранлиги билан эътиборни тортади. Учрашув шаклан мулоқот кўринишида кечган бўлса-да, мазмунан давлат ва ёшлар ўртасидаги ижтимоий шартноманинг янги моделини ифода этди. Таъбир жоиз бўлса, бу ерда ёшлар ижтимоий ҳимоя объекти эмас, тараққиёт субъекти сифатида намоён бўлди. Бандлик, тадбиркорлик, инновация, таълим ва ижтимоий ҳимоя каби қатор йўналишларда гоят муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Учрашувда илгари сурилган ташаббуслар, шубҳасиз, муайян эҳтиёжлар ҳосиласи. Янги йилдан йилга ёшлар сонининг ошиб бориши, уларнинг бандлиги ва ўзини намоён қилишга доир талабларининг кенгайиши давлат бошқарув тизимининг мослашувчанлигини ошириш заруратини юзага чикарди, бошқарув механизмларини янгиллашга ундади. Шу замин асосида қабул қилинган қарорлар тизимлиликни кучайтиришга қаратилди. Ҳар бир ташаббус аниқ механизм, молиявий манба ва назорат тизими билан бирга жорий этилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда ёшлар ўртасида бизнес бошлаш истаги сезиларли даражада ошди. Ўз навбатида, босқичма-босқич қабул қилинаётган қарорлар катта йўлнинг остинасида турган йиғит-қизлар учун аини жараёнларни енгиллаштириш, қулай шароит ва имкониятлар эшигини очишга хизмат қилади. Масалан, ёшлар тадбиркорлиги учун қўшимча 200 миллион доллар маблағ ажратилиши алоҳида эътиборга лойик. Бу ресурс кичик ҳажмдаги грантлар билан чекланмайди, балки кредит линиялари, стартап лойиҳалар, кенгайиш босқичидаги бизнес ташаббусларини қамраб олади. Молиялаштириш ҳажми кенгайиши иқтисодий фаолликни рағбатлантиради, янги иш ўринлари очиш суръатини оширади, худудларда тадбиркорлик муҳитини жонлантиради.

Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдорининг 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилиши кичик ташаббусларни барқарор фаолиятга олиб чиқиш имконини кенгайтиради. Бу тоифадаги ёшлар одада хизмат кўрсатиш, хунармандчилик, ишлаб чиқаришнинг кичик сегментларида фаолият бошлайди. Кредит лимитининг кенгайиши ускуналар хариди, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, хизмат сифатини яхшилашга замин яратяди. Шу орқали микробизнес сегменти мустаҳкамланади. Ёш тадбиркорлар лойиҳалари учун ажратилган кредит миқдорининг 10 миллиард сўмгача кўпайтилиши ўрта ҳажмдаги бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. "Келажак тадбиркор" дастури доирасида 7 йил муддатга 15 фойзлик кредитлар ажратилиши эса узоқ муддатли режалаштириш имконини яратяди.

Кўплаб ёшлар етарли гаров таъминоти эга бўлмагани сабабли кредит олиш имконидан чегда қолиб кетади. Гаров талабининг

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш, судьялар ролини оширишда намоён бўлмоқда. Зеро, суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг мавқеини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараёндир.

Аинан шундай ёндашув туфайли соҳадаги ишлар кўлами, миқёси ва самардорлиги кейинги даврда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Суд тизимини либераллаштириш ва мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасидаги олтинчи устувор йўналиш аинан замонавий давлат бошқаруви ҳамда адолатли суд-ҳуқуқ тизими бораидаги ислоҳотларга бағишлангани бежиз эмас. Хусусан, унда 2026 йилдан бошлаб Электрон ҳуқуқлат платформасини тубдан янгиллаш, барча давлат идораларининг миңдан зиёд давлат хизматлари, 5000 дан ортик функция ва вазифалари, 200 та маълумот базаси ва ахборот тизими, 100 миңдан зиёд давлат хизматчисининг маҳалла, туман, вилоят, республика даражасидаги ваколатлари Ягона рақамли платформага интеграция қилиниши белгиланди.

ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Энг муҳими, платформага келиб тушган мурожаатлар, уларни ижрочиларга тақсимлаш ва кўриб чиқиш муддати сунъий интеллект орқали назорат қилинади. Судда қилиб айтганда, маҳалладан тортиб, республика даражасида ҳал бўладиган ҳар бир масаланинг ижроси, муддати, ресурси бир жойда кўриниб туради.

Бу йўналишда "Рақамли суд" замонавий технологиялар ва сунъий интеллектни суд тизимига жорий қилиш орқали суд ишларини тезлаштириш, самардорлигини ошириш ва шаффофлигини таъминлашга йўналтирилган янги ёндашувдир.

Аини пайтда бу концепция асосида кўплаб хорижий давлатларда суд иш юритуви йўлга қўйилган. Бундан мақсад суд ишларини тўлиқ электрон шаклда юритиш ва суд жараёнини автоматлаштиришга қаратилган. Шу маънода, "Рақамли суд" концепцияси тизими суд жараёнларининг янада очкилиги ва тежороллигини таъминлашга ёрдам беради. Бу тизим орқали суд ишлари бир неча марта тезлашади. Бошқача айтганда, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятининг бугунги суд тизимидаги ролига тегишлича баҳо бериш мақсадга мувофиқ.

Азамат ИКРОМОВ, Тошкент вилояти судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайбаги раиси

Конституциямизнинг 122-моддасида судьялар мустақил экани, фақат қонунга бўйсунуши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бораидаги фаолиятига бирор-бир тарзда аралаштириш йўли қўйилмаслиги ва бундай аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши каби муҳим нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Судьяларнинг мустақил ва фақат қонунга бўйсунган ҳолда иш юритишининг Конституция даражасида қафолатланишдаги асосий сабаблардан бири суд ҳокимиятига бошқа ҳеч қайси орган ваколатига тааллуқли бўлмаган ҳуқуқ — одил судловни амалга ошириш ҳуқуқи берилгани билан изоҳланади. Зеро, мамлакат-

миз ҳаёти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлашида одил судловнинг ўрни бежиз. У жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича бажарилган ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган муаммолар борлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу муаммолар, биринчи галда, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир, юксак малакали, ҳалол ва пок виждонли суд ходимлари корпусини шакллантириш, судларда ишларни кўриш сифатини янада ошириш билан боғлиқ.

Судларнинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш бўйича судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларининг олдини олишга доир самарали механизмларни ишлаб чиқиш, бунинг учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва жиноий жавобгарлик белгилаш, суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ва суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганликка доир ҳар бир жиноят иши янги бўйича жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали маъжбурий равишда хабардор қилиш тартибининг жорий этиш белгиланди.

Одил судлов соҳасидаги барча ислоҳотлар фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек, қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

1 март – Зулфия таваллуд топган кун

МЕНИ ОҒУШЛАГАН ҲАЁТ НАҚ ОҒТОБ

Янги кўшиқ талаб унга ҳар сабоҳ



ZULFIYA 1915-1996

Ҳар гал Зулфияхоним ҳақида эшитганимда, аввало, мактабда ўқиб юрган кезларим “Ҳаёт китобимни бехос варақлаб, Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим” сатрлари билан бошланувчи шеърини бир кечада ёд олганим эгса тушаверади. Ҳаёт китобимни бехос варақлаб, Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим” сатрлари билан бошланувчи шеърини бир кечада ёд олганим эгса тушаверади. Ҳаёт китобимни бехос варақлаб, Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим” сатрлари билан бошланувчи шеърини бир кечада ёд олганим эгса тушаверади. Ҳаёт китобимни бехос варақлаб, Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим” сатрлари билан бошланувчи шеърини бир кечада ёд олганим эгса тушаверади.

Уша шеъринг “Кийганим ипакми, чими ё кимхоб” деган қатори бор эди. Уйга қайтиб, кимхоб қандай мато эканини сўраганимда, момон унинг қимматбахоллигини айтган. Чит эса арзонроқ эканини ўзим ҳам билар эдим. Шунда “Қандай қилиб шундай буюк шоира читдан либос кийишга мажбур бўлган?” дея ўйлаганим. Ушбу саволга кейинроқ, Зулфия ҳаётини кенгроқ ўрганганимда жавоб топдим.

Ушбу гўзал туйғу фақатгина икки инсоннинг бахтидан иборат эмасди. Улар биргаликда ижод қилиб, бир-бирини мунтазам илҳомлантирган ҳолда доимо юксак парвозларга чорларди. Ҳамид Олимжоннинг олов қалбида жўш урган мисралар Зулфиянинг назокатли, теран ва маънос сатрлари билан буткул уйғунлашиб кетганди. Икки ижодкор гўёки азим дарёнинг икки қирғоғи каби ёнма-ён, сокин ва аҳил оқарди. Зулфиянинг нигоҳларида Ҳамид Олимжон ўзининг ёруғ келажигани, битилмаган энг гўзал достонларини аниқ-равшан кўрарди. Айнан шунинг учун уларнинг оилавий турмуши кўпчилик дилдан ҳавас қиладиган чинакам садоқат тимсолига айланган улғурганди. Шоирлар хонадони доимо дўстлар, ижодкорлар ва эзгу ниятли инсонлар билан гавжум бўладиган чинакам маърифат ўчоғи эди.

Бироқ тақдирнинг бешафқат зарбаси мазкур мунаввар ҳаётга тўсатдан қора булутдек ёпирилди. Айни камолот ёшида, ижоднинг энг гуллаган палласида юз берган автохалокат сабабли Ҳамид Олимжон ёруғ оламни барвақт тарк этди. Мазкур муҳдиш йўқотиш Зулфиянинг қалбини парча-парча қилиб ташлади. Ёшгина жувон, меҳрибон она ва оташин шоира бир лаҳзада энг катта суяничидан, бебаҳо руҳий таянчидан айрилди. Қора либосга бурканган Зулфиянинг чексиз фарёди қоғозга тушган йиғи аралаш мисраларида абадий муҳрланиб қолди. “Кечир, қолдми узилмас ришталарга туташди. Улар бир-бирининг қалбини сўзсиз тушунадиган,



сатрлар орқали суҳбатлашадиган чинакам ҳамдард эди. Ёш шоиранинг нигоҳлари ҳамда оташин йиғитининг жўшин қалби ўртасида куртак ёган илк туйғулар соф муҳаббатнинг энг ёрқин кўриниши сифатида шаклланди.

саналади. Шоиранинг изтироблари ҳар қандай тош қалбини ҳам эритиб юборгудек кучли ҳасрат садоси эди.

Зулфиянинг кейинги бутун ҳаёти сеvimли ёрининг ёрқин хотирасини абадий-

лаштиришга тўлақонли бағишланди. У ҳар бир баҳорини, умрининг ҳар бир тонгини Ҳамид Олимжонни сўроқлаб, унинг қайтишидан умидвор бўлиб кутиб оларди. Гарчи жисмонан айрилиқ юз берган бўлса-да, уларнинг покза руҳлари ҳеч қачон бир-биридан узоқлашмади. Зулфия метин иродаси, юксак бардоши ва битмас-туганмас муҳаббати орқали садоқатнинг беқиёс ҳамда емирилмас ҳайкалини яратди. У умр йўлдошининг чала қолган эзгу орзуларини рўёбга чиқариш, фарзандларини жамиятга наф келтирувчи комил инсонлар этиб тарбиялаш ҳамда сеvimли ёрининг исмини мангу барҳаёт сақлашдек машаққатли вазифани мардона бажарди. Ижодкор ўзи битган ҳар бир сатрда ёрининг пинҳоний нафасини ҳис қилиб яшайди.

Ҳўш, шундай юксак ирода, тоғларни толқон қилгудек сабр-матонат ва ўқирманларни лол қолдирган иқтидор соҳибаси қандай муҳида камол топган эди? Қандай қилиб оддий читдан қўйлақ кийган қиз бутун бир миллатнинг фахрига, ўзбек аёлининг ирода тимсолига айланди? Мазкур саволларга жавоб топиш учун шоиранинг босиб ўтган шоли, шу билан бирга, ўта мураккаб ҳаёт йўлига, таржима ҳолига яна бир бор назар ташлашимиз лозим бўлади. Зеро, Зулфияхонимнинг жасорати фақатгина унинг муҳаббатида эмас, балки миллат ва жамият олдидаги фидокорона меҳнатида ҳам яққол намоён бўлади.

Ўзбек халқининг маънавий юксалиши, миллий адабиётимизнинг дунё миқёсида эътироф этилиши ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш йўлида фидокорона хизмат қилган улуг сиймолардан бири, шак-шубҳасиз, атоқли шоира, мутаржма ва йирик жамоат арбоби Зулфия Исроиловладир. Жамиятимизда аёл қадрини улғулаш, хукук ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бутунги кунда бетакор истеъдод эгасининг босиб ўтган ибратли йўли ҳамда бош мейорини чуқур ўрганиш ҳар қачон-қачонда долзарб аҳамият касб этади. Ўзининг тақрорланмас шеърини билан минглаб китобхоналар қалбини ром этган шоира бутун онгли ҳаётини халқ манфаати, миллат маърифати ва ватан тараққиётига бахшида этган улғувор шахс сифатида тарихимиз зарва-рақларидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Зулфия Исроилова 1915 йилнинг 1 март санасида Тошкент шаҳрида, Исроил темирчи хонадонидеда ёруғ олам юзини кўрди. Қизларнинг таълим олиши ва ижтимоий ҳаётга аралашуви ўта мураккаб кечган бир даврда унинг илгма чексиз иштиёқи келажакдаги улкан зафарларнинг дебосаси вазифасини ўтади. У 1922 йилдан 1931 йилгача ўрта мактабда, сўнгра 1931-1934 йиллар оралиғида хотин-қизлар педагогика билим юртида таҳсил олиб, дунёқарашини бойитиб борди. Иқтидорли қаламкашнинг илк шеъри 1931 йили “Ишчи” газетасида босилиб чиқди ва орадан кўп ўтмай, 1932 йилда “Ҳаёт варақалари” номли илк шеърлар тўплами нашр этилди. Шундан сўнг унинг “Темирой”, “Шеърлар”, “Қизлар кўшиғи” каби шеърий китоблари эл-юрт эътиборига ҳавола қилиниб, ёш ижодкорнинг адабиёт майдонига дадил кириб келётганидан дарак берди. У 1935 йили Ўзбекистон Фанлар қўмитаси хузуридаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ўқинишга кирди ва шу тарихи илмий-назарий салоҳиятини тобора юксалтириб борди.

Меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлаган шоиранинг ҳаёт йўли деярли бир умр матбуот, журналистика ва нашриёт соҳаси билан узвий боғлиқ ҳолда кечди. У 1938-1940 йилларда Ёшлар ва ўсмирлар адабиёти нашриётида муҳаррир, 1941-1950 йиллар мобайнида Ўзбекистон давлат нашриётида бўлим мудир вазифаларида меҳнат қилди. Айниқса, шоиранинг журналистика соҳасидаги хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор. Истеъдодли публицист 1950 йилдан 1953 йилгача ҳозирги “Саодат”, ўша вақтдаги



“Зулфияхоним ижоди ва матонатли ҳаёт йўли янги Ўйғониш даври пойдеворини барпо этаётган мамлакатимизнинг ҳар бир хотин-қизи, барча ёшлари учун чексиз садоқат, юксак маънавият ва ватанпарварликнинг олий намунаси сифатида хизмат қилишда давом этаверади.”

“Ўзбекистон хотин-қизлари” журналида бўлиб мудир, 1954 йилдан 1985 йилгача қадар, ўттиз йилдан зиёд вақт давомида мазкур нуфузли нашрнинг Бош муҳаррири лавозимидеда

оналар ва беваларнинг қалб нидосини юксак бадний маҳорат билан ифодалаб берди.

Совет давлатининг санъат ва адабиёт тўғрисида ўтган асрнинг қирқинчи йиллари охирида эълон қилинган адолатсиз қарорлари бутун ўзбек адабиётига, жумладан, Зулфия ижодида ҳам катта зарар келтирди. Эркин фикрли ижодкор бадбин кайфиятлар ва пессимистик кечинмалар куйчиси сифатидаги асосиз таъна тошлари остида қолди. Шунга қарамай, ўзидеда туғанмас ирода топа олмай ва “давр гоъялари”ни акс эттирувчи асарлар ёзиш билан бирга ўзбек аёллари ҳаётини чуқур билувчи мутафаккир сифатида замондошлари, меҳнаткаш дугоналари ҳақида ўткир публицистик мақолалар битишда давом этди. Унинг асарларида эндиликда фақатгина ҳижрон азоби эмас, балки ҳаёт синновларига мардона юз тутган кучли ўзбек аёлининг метин иродаси ҳам ўз аксини топа бошлади.

Эллитинчи йилларнинг иккинчи ярмига келиб, адабнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти халқаро миқёсга кўтарилди. У Осиё ва Африка ёзувчиларининг тинчлик ҳамда халқаро бирдамлик шиори остида ўтган ҳаракатида энг фаол намоёндалардан бири сифатида иштирок этиб, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ўзбек халқининг юксак маданиятини намоён қилди. Ҳиндистон, Миср, Япония ва бошқа давлатларга сафарлари унинг дунёқарши ҳамда шеъринида теран из қолдирди. Айнан мазкур даврда яратилган “Мушоира”, “Уғлим, сира бўлмайди уруш”, “Қозғонистон ўланлари”, “Мен чизолмаган сурат” сингари дoston ва шеърлари унга катта шухрат келтирди. Адиба қаламига мансуб асарларда тасвир этилаётган ҳаёт кўлами тобора кенгайиб, миллий қадриятларимиз билан биргаликда хорижий халқлар ҳаёти манзаралари, умумбашарий тинчлик ва инсонпарварлик гоъялари ҳам уйғунлашиб кетди.

Еттиинчи йиллардан бошлаб унинг ижодида миллий ҳаёт тасвирининг ранглар камалаги пайдо бўлди, воқеликни ҳаққоний ва фалсафий идрок этиш тамойили кескин кучайди. “Уйлар” шеърини гулдastasи билан бошланган теран ижодий изланишлар “Висол” ҳамда “Йиллар, йиллар...” каби салмоқли китобларида муносиб давом этиб, шоира меросида чинакам бадний юксалиш даври ижодкор дoston жанрига қайта мурожаат қилиб, улуг устоз Ойбекнинг сўнгги сафарига бағишланган, чуқур пафосга бой “Кўёшли қалам” дostonини ўқувчиларга тақдим этди.



самарали фаолият юритди. Унинг бошчилигида нашр этилган мақола ва очерклар ўзбек аёлларини ижтимоий фаолиликка чақириб, дарду ташвишларини жамоатчиликка етказиш ҳамда инсоний ҳақ-хукукларни поймол бўлмаслиги учун курашишда чинакам маънавий минбар вазифасини ўтаб берди.

Атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон билан боғланган тақдир йўллари Зулфия ижодида ўчмас из қолдирган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Унинг шеърини даҳо даражасида порлаш бевосита “Уни Фарҳод дер эдилар”, “Ҳижрон кунларида” ва “Хулқар” тўпламлари билан узвий алоқадор саналади. Айниқса, 1944 йили Ҳамид Олимжоннинг бевақт ва фожиали вафотидан кейин ёзилган, чуқур руҳий силсилалар ва қалб изтироблари билан йўғрилган асарлари унинг ижодий оламида жиддий ўзгаришлар содир бўлганини намоён этиди. Садоқатли рафиқа ва матонатли она ўзининг шахсий фожиаси, чексиз ҳижрон дardi тасвири орқали Иккинчи жаҳон урушидан ўта оғир талафотлар ҳамда битмас-туганмас йўқотишлар билан чиққан бутун бир халқнинг, минглаб муштира

Шу билан бирга, келажак авлод тарбиясига эътибор қаратиб, болаларга аталган қатор туркум шеърлар, жумладан, “Лолақизгалдоқ” тўпламини яратди. Садоқат тимсолига айланган шоира ўз умрининг катта қисмини устоз ва умр йўлдоши Ҳамид Олимжоннинг адабий меросини ўрганиш ҳамда нашр этишдек машаққатли ишга бағишлади. У шоирнинг қаламига мансуб “Семург ёки Паризод ва Бунёд” дostonи асосида қўғирчоқ театри учун махсус пьеса ҳамда “Зайнаб ва Омон” операси либреттосини ёзиб, миллий театримиз ҳазинасини бойитишга салмоқли ҳисса қўшди.


Зулфияхоним серкирра ижоди билан бирга етук таржимон сифатида ҳам халқимиз маънавиятига улкан хизмат кўрсатган арбоб саналади. У Александр Пушкин, Михаил Лермонтов, Николай Некрасов, Леся Украинка, Марварид Дилбозий, Сильва Капутикян, Эди Огнетсвет, Мустан Карим, Амрита Притам каби жаҳон ва қардош халқлар адабиётининг йирик намоёндалари асарларини ўзбек тилига юксак маҳорат билан ўғирган. Ўз наъбатидеда, ўзбек қизининг дardi, қувончи ва ўйлари ифода этилган ўлмас асарлари ҳам кўйлаб хорижий тилларда ҳамда қардош туркий халқлар тилларида миллионлаб нусхаларда нашр этилган. Шоиранинг ватан ва халқ олдидаги тенгсиз хизматлари юксак қадрланиб, унга Ўзбекистон халқ шоираси ва Меҳнат қаҳрамони каби олий унвонлар берилган. Шунингдек, у халқор Жавахарлаъл Неру, “Нилуфар” мукофотлари, Ҳамза номидедаги Ўзбекистон давлат мукофоти ҳамда Болгариянинг “Кирилл ва Мефодий” ордени билан тақдирланган.

1996 йилнинг 1 августидеда ёруғ оламни тарк этган улуг ижодкор хотираси халқимиз қалбидеда мангу барҳаёт яшаб келмоқда. Атоқли шоиранинг миллий маданиятимиз ва адабиётимиз тараққиётидаги тарихий хизматлари чуқур эътиборга олинди, иқтидорли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсидеда Зулфия номидеда давлат мукофоти тасвир этилган. Ҳозирги кунда пойтахтимиздаги марказий кўчалардан бири унинг номи билан аталади.

Президентимиз ташаббуси билан Жиззах вилоятида барпо этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия хйебони, икки шоир номи билан аталувчи ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган ижод мактаби ҳамда музей халқимизнинг ардоқли фарзандларига кўрсатилган улкан эҳтиром намунаси бўлди. Шунингдек, пойтахтимиздаги Адиблар хйебони мажмуасида улуг ижодкорлар қаторида Зулфияхоним ҳайкали ўрнатилгани ҳам шоиранинг ижодий барҳаётлигини таъминлашда эзгу ташаббус деиши мумкин.

Зулфияхоним ижоди ва матонатли ҳаёт йўли янги Ўйғониш даври пойдеворини барпо этаётган мамлакатимизнинг ҳар бир хотин-қизи, барча ёшлари учун чексиз садоқат, юксак маънавият ва ватанпарварликнинг олий намунаси сифатида хизмат қилишда давом этаверади.

Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



GAZETADEGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA ASSOHLANGAN ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ САНАЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обуюани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
30829 нусхадe босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй